

Уҳуд ғазоти ва Ҳамроул асад ғазоти ҳақида мулоҳазалар



17:00 / 01.12.2020 2808

Ушбу жангда мусулмонларнинг энгилишлари улардаги энг олий сифатларнинг рўёбга чиқишига сабаб бўлди. Улардан собит турганлари, ўзларини қурбон қилганлари кучли азму қарор, иймонда собитқадамлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша урушда мутлақо ҳайиқмасдан, улуғвор тоғдек собит турдилар. Ёмонлик кучлари жамланиб, у зотга қарши шиддат билан ҳаракат қилаётганларида ансорийлардан етти киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳимоя қилиб туришди. Улар жуда қаттиқ кураш олиб бордилар ва еттовлари ҳам шаҳид бўлдилар. Шу тариқа буюк қаҳрамонлик намуналари рўёбга чиқди.

Мусулмонлар бу урушда енгилдилар. Лекин бу енгилиш шараф билан енгилиш, душман кучларини титиб юборадиган мағлубият эди, чунки душманлар мусулмонларга қарши ҳужум қилиш учун ўзларида азму қарор топа олишмади.

Ҳамроул асад ғазоти

Эртасига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳуд жангида иштирок этган саҳобалар билан бирга Ҳамроул асад деган жойга бордилар. У Мадинаи Мунавварадан ўн беш километр узоқликдаги жойдир. Бу билан яҳудийларга ва саҳройи арабларга «Биз ҳали енгилганимиз йўқ, бизнинг руҳимиз ҳали тетик» демоқчи бўлдилар. Қурайшликлар бундан қўрқиб, Маккага қайтиб кетишди. Аслида эса улар Мадинага қайтиб бориб, урушни давом эттирмақчи бўлиб туришган эди.

Шу йили хамр – маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш бутунлай ҳаром қилинди.

«Ислом тарихи» биринчи китобидан